

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТАРОВА ДИЛФУЗА МАКСУДОВНА

**ЭЛЕКТРОСПИННИНГ УСУЛИ ОРҚАЛИ ХИТОЗАН *BOMBUX MORI*
ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА НАНОТОЛАЛАР ОЛИШ**

**02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.12-Нанокимё, нанофизика, нанотехнология**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Саттарова Дилфуза Максудовна

Электроспиннинг усули орқали хитозан *Bombyx mori* ва унинг
ҳосилалари асосида нанотолалар олиш3

Саттарова Дилфуза Максудовна

Получение нановолокон на основе хитозана *Bombyx mori* и его
производных методом электроспиннинга21

Sattarova Dilfuza Maksudovna

Producing nanofibers based on chitosan *Bombyx mori* and its derivatives
by electrospinning method39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТАРОВА ДИЛФУЗА МАКСУДОВНА

**ЭЛЕКТРОСПИННИНГ УСУЛИ ОРҚАЛИ ХИТОЗАН *BOMBUX MORI*
ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА НАНОТОЛАЛАР ОЛИШ**

**02.00.06-Юқори молекуляр бирикмалар
02.00.12-Нанокимё, нанофизика, нанотехнология**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/K100 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Рашидова Сайёра Шарафовна
кимё фанлари доктори, профессор, академик
Кодирхонов Муродхон Рашидхонович
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Рузимурадов Олим Нарбекович
кимё фанлари доктори, доцент
Милушева Ракия Юнусовна
кимё фанлари номзоди, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Тошкент тўқимачилик ва снгил саноат институти

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 23 » апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).


Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » 04 кун тарқатилди.
(2021 йил « 26 » 03 даги 2 рақамли ресстр баённомаси).




В.О. Кудишкин
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор


М.М. Усманова
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим


А.А. Саримсоқов
Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий ва синтетик полимерлар асосида тиббиётда қўлланиладиган, биологик хавфсиз, ўзига хос комплекс хусусиятларга эга бўлган янги материалларга эҳтиёж ортмоқда. Бу йўналишда полисахаридлар асосида электроспиннинг усули билан нанотолалар олишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар махсус тузилиш ва хоссаларга эга бўлиб, тўқима инженерияси соҳасида, ҳужайра трансплантологиясида, доривор воситаларни ҳамда дори препаратларни мақсадли етказиш тизимларини яратишда қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда хитозан ва унинг ҳосилаларидан наноматериаллар олиш ва улар асосида турли соҳаларда қўлланиладиган истиқболли препаратлар яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада хитозан ва унинг ҳосилаларидан махсус хоссаларга, жумладан, антимиқроб ва антибактериал хоссаларга эга бўлган нанотолаларни олиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган экологик хавфсиз маҳсулотлар яратиш ва амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, табиий полимерлар ва уларнинг ҳосилалари асосида биопарчаланувчи препаратларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда муҳим натижалар қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада *Vombux mori* хитозан ва унинг ҳосилаларидан нанотолаларни олиш имкониятларини тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш ҳамда биотиббиётда қўллашга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида хитозан ва унинг ҳосилаларидан электроспиннинг усулида нанотолалар олиш жараёнини ўрганиш ҳамда уларни қўллаш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилиги хитозан ва унинг ҳосилаларидан нанотола олиш ва уларнинг хоссаларини ўрганишга бағишланган. Хитозан ва унинг ҳосилаларидан нанотолалар олиш шароитларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга Lee Cremer, Negar Sohofi, Jian Du, Kousaku Ohkawa, Dongil Cha ва қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган. Хитозандан синтетик полимерлар билан биргаликда нанотолалар олиш ва улардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бўйича J. Schiffman, R. Muzzarelli, Ю. Н. Филатов, Н. Р. Прокопчук, А. Т. Матвеев ва бошқа олимларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамизда академик С. Ш. Рашидова ва унинг шогирдлари ўз изланишлари билан хитозан ва унинг ҳосилаларидан нанозаррачалар олиш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш ҳамда амалиётга жорий қилишга ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилаларидан электроспиннинг усулда нанотолалар олиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларига электроспиннинг жараёни омилларининг таъсирини ўрганиш ҳамда полимер тавсифлари ва улар асосида олинган нанотолаларнинг морфологияси орасидаги боғлиқликни аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари кам олиб борилган. Ҳозирги вақтда нанотолалар асосида тайёрланган материаллар толаларининг ғовак ўлчамлари оқсиллар ва бактериялар ўлчамларига яқин бўлганлиги туфайли тери хужайраларнинг кўпайишига имкон яратиш, яраларни тез битишини таъминлай олганлиги сабаб тиббиётда уларга бўлган этиёж ортиб бормоқда. Шу боис, ушбу йўналишда назарий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда юқори биологик фаолиқка эга бўлган хитозан ва унинг ҳосилалари асосида наноматериаллар яратиш истиқболларини юзага келтиради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети ва Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан ҳамкорликдаги илмий тадқиқот ишлари режасининг АХ-ОТ-012-004 рақамли Ёш олимларнинг академик ҳаракатчанлиги “Карбоксиметилхитозан *Bombyx mori* асосида электроспиннинг усулида нанотола яратиш” (2017 й.); БМТ ЮНЕСКОнинг “Буёқ девор” дастури

(2011-2012 йй.) ҳамда “Истеъдод” давлат дастури (2018 й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электроспиннинг усулида хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилаларидан нанотолалар олиш ҳамда уларнинг хоссалари ва морфологиясини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хитозан *Bombyx mori* ва унинг карбоксиметилланган ҳосиласидан белгиланган диаметрдаги нанотолаларни олишда ишчи эритмаларнинг мақбул таркибини ишлаб чиқиш;

хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан эритмаларини электроспиннинг жараёни кўрсаткичларини оқимнинг динамик тавсифларига, толанинг ўртача диаметри ва диаметр бўйича тақсимланишига ҳамда улар асосидаги нотўқима материалларнинг тузилиши ва хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш;

белгиланган диаметрдаги нуқсонсиз нанотолалар олиш учун хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан электроспиннинг жараёнининг мақбул шароитни аниқлаш;

хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозанинг молекуляр- массавий тавсифлари ва нанотолаларнинг морфологияси орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти - турли молекуляр массали ҳамда турли деацетиллаш ва алмашилиш даражали хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилалари намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилалари эритмаларининг электроспиннинг жараёнининг кўрсаткичларини ўрганиш, шу билан бирга уларнинг молекуляр-массавий тавсифларини олинадиган нанотолаларнинг сифатига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда электроспиннинг усули, H^1 ЯМР-спектроскопияси, гель-ўтказувчи хроматография, кондуктометрик титрлаш, вискозиметрия ва бошқа физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосиласи бўлган карбоксиметилхитозандан белгиланган диаметрли нанотолалар олинган;

электроспиннинг усулида хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосиласи карбоксиметилхитозандан нанотолалар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосиласи карбоксиметилхитозанинг молекуляр -массавий тавсифлари ва олинган нанотолаларнинг морфологияси орасидаги боғлиқлик исботланган;

нанотолаларнинг морфологияси хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозанинг электроспиннинг жараёни кўрсаткичларига боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан ишчи эритмаларининг

таркиби ҳамда улар асосида нотўқима материаллар олишнинг фундаментал ва амалий ечимлари таклиф қилинган;

электроспиннинг усулида хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан нанотолалари олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан асосида олинган нотўқима материаллар юқори адсорбцион хусусиятни намоён қилиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Электроспиннинг усулида хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилаларидан нанотолалар олиш бўйича олиб борилган тажрибалар замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида олинди. Иш бўйича хулосалар илмий жиҳатдан асосланганлиги ва юқори аниқликдаги асбоблардан фойдаланган ҳолда эришилган натижалар асосида қилинди. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилалари асосида нанотолалар олишнинг фундаментал ечимлари орқали полимерларнинг молекуляр-массавий тавсифлари, жараённинг кўрсаткичлари ва нанотолаларнинг морфологияси орасидаги ўзаро боғлиқлик, электрофизик ва реологик хусусиятлари бўйича қонуният аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, хитозан ва карбоксиметилхитозан асосида биологик фаол, махсус хоссаларга эга бўлган нанотолали нотўқима материаллар олишдан иборат. Тадқиқот натижаларининг амалий тадбиғи, экспериментал тадқиқотлар асосида топилган нанотолаларни шакллантиришнинг мақбул шароитлари бошқа тур полимерлар асосида нанотолалар олишда электроспиннинг усулининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш имконини беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электроспиннинг усули орқали хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилалари асосида нанотолалар олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хитозан ва унинг ҳосилалари эритмаларининг реологик хоссаларини тадқиқот натижаларидан А-4-13 рақамли “Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акрилонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида электроспиннинг усулида акрилонитрил сополимери ва ипак фиброини эритмаларидан нанотолали қатламли нотўқима материаллар олишдаги полимер эритмаларининг реологик хоссаларини электроспиннинг жараёнига таъсирини ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги № 89-03-5081-сон маълумотномаси). Натижада электроспиннинг усулини самарадорлигини оширишда эритманинг қовушқоқлиги ва сирт таранглигини жараён параметрлари (кучланиш, игна диаметри, электродлар орасидаги масофа) орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиш имконини берган;

хитозан ва унинг ҳосилаларини молекуляр массавий тавсифларини улар асосида олинган нанотолаларнинг морфологияси билан боғлиқлигини ўрганишда олинган натижалардан Ф-А-2018-033 рақамли “Табиий ипак ва пахта чиқиндиларидан нанотолали, наноғовакли материаллар олишнинг электроспиннинг усулини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида электроспиннинг усули ёрдамида олинган нанотолали материалларни морфологиясини бошқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги № 89-03-5081-сон маълумотномаси). Натижада нанотолали материаллар морфологиясини (ўртача диаметр, нуқсонсиз) полимерларнинг молекуляр массавий тавсифларини ўзгартириш орқали назорат қилиш имконини берган;

электроспиннинг усулида олинган хитозан тутган нанотолали материалларнинг мустаҳкамлигини оширишда ва сорбциясини ўрганишдаги олинган натижалар “Hemostasis Application of Foam Dressing Material Based on Chitosan” Хитой Шимолий-шарқ Педагогика университети ва Хитой Фанлар Академияси Амалий Кимё институтининг фундаментал лойиҳасида хитозан асосида тайёрланган гемостатик хоссага эга боғлов материалларни муҳит ўзгаришига чидамлилигини оширишда фойдаланилган (Хитой Шимолий-шарқ Педагогика университетининг 2020 йил 9 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада нанотолали материалларни нейтрал ва кучсиз асосли муҳитда толали тузилишини сақлаб қолиш хусусиятини аниқлаш ва сорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 9 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шу жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг

амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Хитозан ва унинг хосилаларидан электроспиннинг усулида нанотолалар олиш жараёни ва уларни қўлланилиш соҳалари ҳақидаги умумий тассавурлар”** номли биринчи бобида хитозан (ХЗ) ва унинг ҳосиласи карбоксиметилхитозан (КМХЗ) асосида нанотолалар олишда электроспиннинг жараёнининг (ЭС) баъзи бир қонуниятлари тўғрисидаги адабиётлардаги маълумотлар ҳамда улар асосидаги нанотолаларни (НТ) ишлатилиши ва истиқболдаги фойдаланишга бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** номли иккинчи бобида мазкур диссертация доирасида тажрибаларни ўтказиш учун танланган объектлар, ХЗ ва КМХЗ намуналарининг тузилиши ҳамда физик-кимёвий тавсифларини ўрганиш, полимер эритмаларининг реологик тадқиқот ва сирт таранглигини ўлчаш усуллари, алоҳида толанинг ва нотўқима материалларнинг ўлчамли тавсифларини сканерли электрон микроскоп орқали ўрганиш методлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Ишчи эритмалар тайёрлаш учун тадқиқот объектларининг молекуляр-массавий тавсифларини ўрганиш”** номли учинчи боби натижалар ва уларнинг муҳокамасидан ташкил топган. ХЗ и N,O- ва O-КМХЗ намуналари синтези қилинган, кондуктометрик титрлаш орқали уларнинг деацетиллаш ва алмашилиш даражаси ўрганилган. Натижада ХЗ турли деацетиллаш даражасида (71, 72 ва 79 %), N,O-КМХЗ (0,77 ва 1,00) ва O-КМХЗ ларнинг турли алмашилиш даражасидаги (0,55 ва 0,79) намуналари олинган.

Намуналарнинг ўртача қовушқоқли молекуляр масса қийматлари (M_n) ХЗ учун 144 кДа, 128 ва 102 кДа, N,O-КМХЗ учун 98 ва 68 кДа ва O-КМХЗ учун 100 ва 60 кДа лардан иборат.

Намуналарнинг гел ўтказувчи хроматография усули ёрдамида топилган молекуляр масса қийматлари ва полидисперслик даражалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


ХЗ ва КМХЗ намуналарининг тавсифлари

№	Катталик	ХЗ-1	ХЗ-2	ХЗ-3	N,O-КМХЗ-1	N,O-КМХЗ-2	O-КМХЗ-1	O-КМХЗ-2
1	Ўртача сонли молекуляр масса, кДа	85	73	69	63	31	62	26
2	Ўртача оғирлик молекуляр масса, кДа	119	114	101	104	75	103	61
3	Z-ўртача молекуляр масса, кДа	143	142	127	139	126	132	102
4	Полидисперслик индекси	1,4	1,5	1,4	1,6	2,3	1,6	2,3


Ўтказилган тадқиқотлар асосида хитозан *Bombyx mori* ва карбоксиметилхитозан объектларининг молекуляр-массавий тавсифлари улар асосида ишчи эритмалар тайёрлаш учун тадқиқ қилинган.

Полимерларнинг тавсифли катталикларини улар асосида олинган нанотолаларнинг морфологиясига таъсирини батафсил ўрганиш учун синтез шароитларини алмаштириш орқали турли молекуляр массали ва турли деацетиллаш даражали (ДД) ҳамда турли алмашиниш даражали (АД) ХЗ, N,O-КМХЗ ва О-КМХЗ намуналари тайёрлаб олинган.


ХЗ *Bombyx mori* намунасининг спектри таҳлили протонларнинг 1,91 ppm (CH₃, ХЗ даги ацетоамид гуруҳ), 3,01 (CH, глюкозамин ҳалқадаги 2-углерод), 3,58 (CH, глюкозамин ҳалқадаги аминао гуруҳ алмашган 2-углерод), 3,7-3,9 (CH, глюкозамин ҳалқадаги 3, 4, 5 ва 6-углерод углерод), 4,71 (CH, глюкозамин ҳалқадаги 1-углерод) тартибда тақсимланишини кўрсатади (1-расм).



1-расм. Хитозаннинг ¹H ЯМР- спектри



2-расм. N,O- Карбоксиметилхитозаннинг ¹H ЯМР- спектри



3-расм. O- Карбоксиметилхитозаннинг ^1H ЯМР- спектри

Намуналар спектри таққосланган таҳлили хитозан спектридаги барча ўзига хос чўққилар мавжудлигини кўрсатди ҳамда 2- ва 6- ҳолатлардаги N-CH_2 - ва O-CH_2 - ларнинг карбоксил гуруҳлари икки протонларига мос 3,24 ва 4,34 ppm янги чўққилар аниқланди (2-расм). Бу эса N,O-КМХЗ *Bombyx mori* ҳосил бўлганидан далолат беради. O-карбоксиметилхитозан спектрининг таҳлили 6- ҳолатдаги O- ва CH_2 - ларнинг карбоксил гуруҳлари икки протонларига мос 3,9 ppm даги чўққини кўрсатади (3-расм).

“Полимерлар ишчи эритмалари хоссаларини тадқиқ қилиш” номли тўртинчи боб узун нанотолаларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи, ўртача диаметр ва нанотолаларнинг сифатини белгиловчи барқарор оқимни ҳосил бўлишига олиб келувчи жараён кўрсаткичларини ва эритма хоссаларини ўрганишга бағишланган. Шу мақсадда электроспиннинг учун ХЗ ва КМХЗ эритмаларининг юқори ва қуйи концентрацияларини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди. Натижалар 5 дан 8% эритма концентрациялари бироз “томчи” кўринишидаги нуқсон тутган нанотолалар ҳосил бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Лекин, барча эритмаларнинг 5% дан паст концентрацияларида фақат томчилар ҳосил бўлганлиги кузатилди. Шунинг учун электроспиннингнинг мақбул шароитларини аниқлаш учун турли кўрсаткичларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар режаси тузилди (2-жадвал). Тадқиқотда тола ва нотўқима материаллар олиш учун полимерларнинг сирка кислотаси (СК) ҳамда трифторсирка кислоталари (ТФСК) даги эритмаларининг концентрациялари 2 дан 9% гача кенг диапазонда ишлатилди.

Тажрибалар натижасида барча полимер намуналарининг 5 % дан қуйи концентрацияларида ЭС жараёнида кўринарли барқарор оқим ҳосил бўлишига эришилмади (2-жадвал). СК концентрациясининг НТ ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш ҳамда қуйи концентрацияда кислотадан фойдаланиш имконини ўрганиш мақсадида СК концентрациясини 10-90 % ўзгартириб ўрганилди. Кислота концентрациясининг таъсирини ўрганиш мақсадида ХЗ-2 ($M_n=128\text{кДа}$, ДД=72%) намунасини 5-9% концентрацияларда кислотанинг турли концентрациялари учун қўлланилди.

Электроспиннинг жараёнини 90% СК ва ТФСК эритувчиларда ўтказиш шароитининг экспериментал режаси

№	Намуналар	Концентрация (%)	Кучланиш (кВ)	Электродлараро масофа (см)
1	X3-1	2, 3, 4, 5, 6, 7, 8	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
2	X3-2	2, 3, 4, 5, 6, 7, 8	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
3	X3-3	3, 4, 5, 6, 7, 8, 9	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
4	N,O-KMX3-1	3, 4, 5, 6, 7, 8, 9	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
5	N,O-KMX3-2	3, 4, 5, 6, 7, 8, 9	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
6	O-KMX3-1	3, 4, 5, 6, 7, 8, 9	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20
7	O-KMX3-2	3, 4, 5, 6, 7, 8, 9	10, 15, 20, 25, 30, 35, 40	10, 15, 20

Натижа шуни кўрсатдики, ишчи эритмалар олиш учун ишлатилган сирка кислотасининг 50% дан юқори концентрацияларидагина кўп миқдорда томчи тутган бўлса ҳам нанотолалар йиғилиши мумкинлиги намоён бўлди, хаттоки, полимернинг миқдори оширилганда ҳам. СК концентрацияси 90% гача оширилганда сифатли узун НТ ҳосил бўлди, 10% СК ишлатилганда барча ҳолатларда НТ ҳосил бўлиши кўзатилмади.

X3-2 нинг сирка кислотасидаги 5% ли эритмасининг сирт таранглигини тадқиқ қилишда сирка кислотаси эритмасининг концентрацияси 50% дан 90% гача ортиб боришида хитозан эритмасининг сирт таранглиги 33,7 дан 30,6 мН/м қийматгача камайиши кузатилди. Шунинг учун 90% ли сирка кислотаси нисбатан кўпроқ мос келиши аниқланди. Чунки, у қуйи кислота концентрациясидан тайёрланган бир хил концентрациядаги эритма билан солиштирилганда 90% кислотадан тайёрланган эритма энг паст сирт таранглик қийматида жавоб бериб, шу билан бирга оқимдаги заряд зичлигини оширади, бу эса барқарор тўхтамайдиган оқим ҳосил қилишда кичик қийматдаги электр майдон қийматидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Юқори концентрациядаги СК қуйи қийматдаги сирт таранглигига мос келиши ЭС жараёни учун муҳим параметр ҳисобланади, чунки сирт таранглик жараённинг самарадорлигига кучли таъсир кўрсатади.


X3-2 нинг турли 50, 60, 70, 80 ва 90% ли концентрацияли СК даги эритмаларининг динамик қовушқоқлиги реологик тадқиқотлари ҳар бир ҳолатда қовушқоқликни пасайишини кўрсатади: 5% ли эритма учун 43,6 дан 26,2 Па·с гача, 6 % ли учун 45,3 дан 27,7 Па·с гача, 7% лида 46,7 дан 30,0 Па·с гача ва 8% ли эритма учун 47,2 дан 34,2 Па·с гача.

Сирка кислотасининг юқори (90%) концентрациясини ишлатиш паст концентрацияли СК ишлатилиб тайёрланган бир хил концентрацияли эритмаларга солиштирилганда ишчи эритманинг қовушқоқлик қиймати

нисбатан паст бўлишига эътибор қаратиш зарур. Бу эса уни ЭС учун истиқболли эритувчи қилади.

ХЗ-1 (144 кДа ва ДД=71%) нинг 6% ли ишчи эритмасидан нанотола олишни тадқиқ қилишда жараённинг бошқа параметрлари (электродлар орасидаги масофа ва игна диаметри) ўзгармас қийматда бўлганда шуни кўрсатдики, электр майдонни 1 дан 2,66 га бир меъёردа оширилганда НТ нинг ўртача диаметри 201 дан 95,4 нм гача камаяди. Худди шундан концентрацияли эритма учун игна ўлчами 5 - 9 катталаштирилганда (ички диаметри 0,232 - 0,56 мм) НТ нинг ўртача диаметри 146,7 дан 203 нм гача ортишига олиб келди. Концентрацияси 7% дан юқори бўлган ХЗ-1 эритмасини электроспиннинг қилиш олинган эритманинг юқори қовушқоқлиги сабаб жараёнда турғун бўлмаган оқим ҳосил бўлганлиги туфайли қийин бўлди. Лекин, 5, 6 ва 7% концентрацияларда айрим томчилар тутган толалар ҳосил бўлиши кузатилди. Бундай концентрациялар жараён учун мақбул қовушқоқлик қиймати ҳисобланади. Бундан ташқари узлуксиз оқимнинг шаклланиши учун маълум даражада зарур бўлган макромолекуланинг уланиш имкониятини яратади.

ХЗ-2 ($M_n=128$ кДа, ДД=72%) нинг СК даги 5, 6, 7 ва 8% ли эритмалари мисолида концентрациянинг НТ морфологиясига таъсирини тадқиқ қилишда эритма концентрациясининг ошиши толанинг ўртача диаметри 134 дан 225 нм гача ортишини, бир вақтда “томчи” кўринишидаги нуқсонларнинг камайишини кўрсатди (4-расм). Хитозан концентрацияси 5 дан 8% ошганда тола диаметри тақсимланиши кенгаяди (5-расм). Бу эса йўғон ва майин толаларни ҳосил бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу ўз навбатда игна учида Тейлор конусининг чўзилишга бўлган қаршилиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.




4-расм. ХЗ-2 ($M_n=128$ кДа, ДД=72%) 90% СК эритувчидаги 5% (А), 6% (Б), 7% (В) ва 8% (Г) эритмаларидан олинган нанотолали материалнинг морфологик тузилиши

Сирка кислотасидаги 8% дан юқори бўлган концентрациялар учун хона ҳароратида ХЗ-2 намунасининг эриши қийин бўлди. Эригандан кейин электроспиннинг амалга ошириб кўрилди, лекин, электр майдоннинг қиймати хитозан эритмасининг қовушқоқлиги ва сирт таранглигининг биргаликдаги эффектини енгиш учун етарли бўлмади.

ХЗ намуналари ДД нинг НТ морфологиясига таъсирини ўрганиш ЭС жараёни ҳамда НТ морфологиясига таъсир этувчи асосий ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланишини алоҳида қайд этиш лозим. Маълумки, юқори деацетилланиш даражаси кислотали муҳитда хитозан занжиридаги мусбат зарядларни оширувчи мўл миқдордаги аминогурӯҳлар билан боғлиқ.

Электр майдоннинг маълум қийматида ХЗ деацетилланиш даражасининг ортиши билан толанинг ўртача диаметри ошиши аниқланди. Шундай қилиб, ДД=71% бўлган ХЗ намунаси учун толанинг ўртача диаметри 1 ва 1,33 кВ да мос равишда 201 ва 174 нм ни ташкил қилди, ДД=79% бўлган ХЗ намунаси учун эса 229 ва 218 нм бўлди.



5-расм. Нанотолалар ўртача диаметрининг эритма концентрациясига боғлиқлиги

1 кВ/см да ДД=79% бўлган ХЗ намунадан олинган нанотола ДД=79% ли ХЗ намунадан олинган нанотолага қараганда таркибида томчининг кўплиги ва биржинсли толаларнинг камлигини кўрсатганини таъкидлаш лозим.

Тола диаметрининг ортиши деацетилланиш даражасини ошиши билан хитозаннинг эрувчанлигини ортишига боғлиқлик эҳтимоли аниқланди. Бу ҳам жараённи муваффақиятли олиб бориш учун кам аҳамиятли ҳисобланмайди.

90% ли сирка кислотасидаги N,O-КМХЗ-1 ($M_n=98$ кДа, АД=0,77) ва N,O-КМХЗ-2 ($M_n=68$ кДа, АД=1,00) намуналарнинг ЭС усулида НТ шаклига келтириш жараёнини тадқиқ қилиш натижалари бошқарилувчан диаметрли нуқсонсиз бир жинсли НТ олиш имконини кўрсатди.

Электр майдони 1,75 кВ/см бўлганда 6% ли N,O-КМХЗ-1 ва 7% N,O-КМХЗ-2 нинг СК даги ишчи эритмасидан ўртача диаметри 120-200 нм ли сифатли НТ олиш имконияти аниқланди.

O-КМХЗ намуналари эритмаларидан олинган СЭМ таҳлили натижалари шунини кўрсатдики, АД 0,55 дан 0,79 гача ошиши билан НТ нинг ўртача

диаметри ортади. Бу етарли юқори алмашилиш даражасида занжирлараро тикилиш эҳтимоллиги ошиши туфайли полимер занжирлари орасида кўндаланг боғлар ҳосил бўлиш эҳтимоллиги юқорилиги билан боғлиқ бўлиб, макромолекулаларнинг тармоқланишига сабаб бўлган.

Иккинчи эритувчи трифторсирка кислотаси (ТФСК) юқори буғланувчан бўлганлиги сабабли уни ЭС да кўп ишлатилиши туфайли мазкур тадқиқотда ҳам фойдаланилган. ХЗ ва КМХЗ ни электроспиннинг қилиш учун ТФСК нисбатан мос келадиган эритувчилигига сабаб ТФСК хитозан амногурухлари билан туз ҳосил қилади, бу эса ундаги ортиқча зарядни камайтиради, натижада нанотолани максимал тортилишига олиб келади.

ТФСК даги хитозан эритмасининг тортилиш қобилиятини намоён қиладиган юқори концентрациясининг чегараси 9% бўлиши аниқланди. Бундай концентрацияда ХЗ эритмаси юқори қовушқоқ бўлганлигидан жуда катта қийматдаги электр майдонда ҳам игнадан чиқмайди.

ХЗ-1 ва ХЗ-2 намуналари учун ТФСК даги 6 - 9%ли концентрацияли ишчи эритмаларда 1,5 кВ/см доимий электр майдонида тажрибалар ўтказилди. Полимер концентрацияси ортиб бориши билан НТ ўртача диаметри ошиши кузатилди, эритманинг қовушқоқлиги ортиши билан сепилиш даврида оқимнинг чўзилишига тўсиқ ортиши, шу билан бирга қовушқоқликнинг маълум бир қийматида “томчи” кўринишидаги нуқсонсиз бир жинсли текис толаларни ҳосил бўлиши учун зарур бўлган макромолекуланинг ўзаро боғланиш имконияти пайдо бўлди.

Хитозаннинг ДД нанотолаларнинг ўртача диаметрига таъсири тола диаметр тақсимланиши ДД ортиши билан ортиши, бу ўз навбатда юқори ДД қуйи ДД билан солиштирилганда йўғон НТ ҳосил бўлишига олиб келиши билан исботланди. Электр майдон қийматини ўзгартириш орқали НТ диаметрини бошқариш мумкинлиги аниқланди. Электр майдон қийматини ХЗ-1 намунасини 7 % эритмасида 1, 1,33, 1,5 дан 2 кВ/см оширилганда НТ ўртача диаметри 138, 128, 121 дан 94 нм камайиши кузатилди.

Эритманинг концентрациясини ортиши толани ўртача диаметри катталанишига, электр майдон қийматини ортиши эса тола диаметрини кичиклашишига олиб келиши аниқланди (3-жадвал). КМХЗ эритмасини ЭС жараёнини ўрганишда муаммоларга учралди чунки бу полимер занжирида кўп миқдорда заряд мавжуд бўлиб оқим ҳосил бўлишига тўсиқлик яратади.


КМХЗ молекуласидаги ортиқча заряд муаммосини ҳал қилиш мақсадида турли нисбатларда ТФСК эритувчисига дихлорметан (ДХМ) органик эритувчиси қўшилди (6-расм), чунки ДХМ қуйи электроўтказувчанликка, ҳамда паст қайнаш ҳароратига (39,8°C) эгаллиги эритувчининг тез буғланишига олиб келади, бу эса НТ ҳосил бўлиши учун муҳим ҳисобланади.

N,O-КМХЗ-1 намунасининг 7% эритмасидан сифатли ўртача 230 нм ва диаметр тақсимланишида 180 - 420 нм толаларни олишда 70 : 30 ҳажм нисбатидаги ТФСК : ДХМ эритувчиларни аралашмаларида 2 кВ/см электр майдон, шприц ва йиғгич орасидаги масофа 15 см энг қулай шароит деб топилди.


**ХЗ ТФСК дан олинган нанотолаларни турли электр майдон қийматларида,
концентрацияларда ва ДД ўртача диаметри**

№	ХЗ концентрацияси (С%)	Кучланиш (кВ)	Электродлараро масофа (см)	Электр майдон (кВ/см)	НТ ўртача диаметри, нм (ДД=71%)	НТ ўртача диаметри, нм (ДД=79%)
1	6	15	15	1	118	159
2		20	15	1.33	95	126
3		30	15	2	89	119
4		40	15	2.66	78	88
5	7	15	15	1	145	176
6		20	15	1.33	128	134
7		30	15	2	124	129
8		40	15	2.66	85	102
9	8	15	15	1	237	246
10		20	15	1.33	229	236
11		30	15	2	216	232
12		40	15	2.66	186	202


О-КМХЗ-1 ($M_n=60$ кДа, $AD=0,79$) ТФСК эритувчидаги тадқиқот натижалари нуқсонсиз 186 нм ўртача диаметридаги НТ олишда 8% концентрация ҳамда 1,5 кВ/см электр майдон энг қулай деб топилди.




А



Б



В




Г

**6-расм. 7 % N,O-КМХЗ-1 эритувчи ТФСК (А), 7% N,O-КМХЗ-1 эритувчи
ТФСК/ДХМ (90/10) (Б), 7% N,O-КМХЗ-1 эритувчи ТФСК/ДХМ (80/20) (В),
7% N,O-КМХЗ-1 эритувчи ТФСК/ДХМ (70/30) (Г) нанотолали материалларнинг
морфологик тузилиши**

Эритма концентрацияси 8% дан кам ҳолатда олинганда нанотолалар ўрнига нанозаррачалар ҳосил бўлишига олиб келди. (7-расм (А)).

ХЗ ва КМХЗ нанотолали мембранаси нейтрал муҳит билан таъсирланганда эриб кетади, бу унинг қўлланилишини кескин чегаралайди.


Барқарорлаш мақсадида 6 соат 2М Na₂CO₃ эритмаси ёрдамида нейтралланган толали материални СЭМ расмларини таҳлили морфологиясида сезиларни ўзгариш бўлмаганлигини ва дистилланган сувда 24 соат давомида нанотолали тузилишини сақлай олишини кўрсатди.



7-расм. О-КМХЗ-1 ($M_n=60$ кДа, $AD=0,79$) эритувчи ТФСК 6% (А), 7% (Б) ва 8% (В) эритмаларидан 1,5 кВ /см электр майдонида олинган 186 нм ўртача диаметраги нанотолали материални морфологик тузилиши

Нотўқима материалларнинг сув буғларига нисбатан сорбцион хоссаларини аниқлашда тортма методидан фойдаланилди.

ХЗ ва КМХЗ эритмаларидан ҳосил қилинган нанотолали материалларнинг сорбцион сиғим кўрсаткичлари 20 дан 58% гача бўлди (8-расм). Бу эса уларнинг юқори намлик ютувчанлик хусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Бу полимерларнинг ўзига хос тузилишлари билан боғлиқ. Толада солиштирма юзасини оширадиган ва материал сиртига кўп миқдорда нам ютишини таъминлайдиган майда ғоваклар бўлиши мумкин.



8-расм. ХЗ ва КМХЗ эритмаларидан электрспиннинг усулида олинган нанотолали материалларнинг сув буғларини ютиш кинетикаси

Нанотолаларнинг сорбцион сифимини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, КМХЗ нанотолаларининг сорбцион хоссалари ХЗ га нисбатан юқори бўлди. Бу эса кўп микдордаги карбоксил гуруҳларнинг иштироки туфайли КМХЗ нинг сувда яхши эришини таъминлайдиган (молекулалараро ва ичкимолекуляр турдаги) кучли водород боғланишларга олиб келиши сабабли КМХЗ нинг кучли гидрофиллигини исботлайди.

ХУЛОСА

“Электроспиннинг усули орқали хитозан *Bombyx mori* ва унинг ҳосилаларидан нанотолалар олиш” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги ҳулосалар тақдим этилди:

1. Илк бор электроспиннинг усулида сирка ва трифторсирка кислота эритувчиларда концентрация, электр майдон қиймати ва игна диаметри каби жараён кўрсаткичларини ўзгартириб, турли хил диаметрда ХЗ, N,O-КМХЗ ва O-КМХЗ *Bombyx mori* нанотолалари олинди.

2. Полимер эритмалари тайёрлаш учун ишлатиладиган эритувчиларнинг мақбул таркибини аниқлаш учун қилинган тадқиқотлар натижасида 90% сирка кислота эритмаси оптимал деб топилди. Уни концентрацияси паст бўлган кислотадан тайёрланган бир хил концентрациядаги эритма билан солиштирилганда 90% ли кислотадан тайёрланган эритма энг кичик сирт таранглик қийматига ва паст қийматдаги қовушқоқликка эга бўлади. ХЗ-2 нинг 5% ли эритмаларида эритувчидаги СК нинг концентрацияси 50% дан 90% гача ортиб борганда полимер эритмасининг сирт таранглиги 33,7 дан 30,6 мН/м гача камаяди. ХЗ-2 нинг 50, 60, 70, 80 ва 90% СК ли эритувчилардаги эритмасининг динамик қовушқоқлиги камайиб боришини кўрсатди (5 % ли эритмада 43,6-26,2 Па·с, 6% лида 45,3-27,7 Па·с, 7% лида 46,7-30,0 Па·с ва 8% ли эритмада 47,2-34,2 Па·с). Ўртача диаметри 100-200 нм бўлган раво ва сифатли НТ олиш учун концентрацияси 7-8% ли (34,2-36 Па·с) ХЗ-2 ($M_n=128$ кДа, ДД=72%) эритмаси мақбул деб топилди.

3. НТ морфологиясига жараён кўрсаткичлари (электр майдон қиймати, игна диаметри ва электродлар орасидаги масофа) таъсир қилиши исботланди. ХЗ-1 (144 кДа, ДД=71%) нинг 6 %ли эритмасидан олинган НТ нинг диаметри электр майдон қийматини 1 дан 2,66 кВ/см гача оширилганда 201 дан 95,4 нм гача камаяди, ўша концентрацияли эритма учун жараённинг бошқа кўрсаткичларини ўзгартирмасдан игна ўлчамини 5-9 гача (ички диаметри 0,232 - 0,56 мм) катталаштирилганда НТ диаметри 146,7 дан 203 нм гача ортади.

4. Толанинг ўртача диаметрига полимер концентрациясининг таъсири аниқланган. ХЗ-2 ($M_n=128$ кДа, ДД=72%) нинг СК даги эритмасининг концентрацияси 5, 6, 7 ва 8% гача ортиши толанинг ўртача диаметрини 134 дан 225 нм гача ошириб, турли диаметрдаги толалар тарқалишини кенгайтиради. ТФСК га органик эритувчи ДХМ қўшиш НТ сифатини сезиларли оширади. N,O-КМХЗ-1 7% ли эритмасида эритувчилар

ТФСК:ДХМ ларнинг мақбул ҳажмий нисбатлари 70:30 ҳисобланиб, бунда НТ нинг ўртача диаметри 230 нм бўлади.

5. ХЗ ва КМХЗ ларнинг деацетилланиш даражаси ва алмашилиш даражалари нанотолаларнинг ўртача диаметрига таъсир қилиши исботланган. Ўзгармас электр майдон қийматларида намуналарнинг ДД ва АД ларининг ошиши билан нанотоланинг ўртача диаметри ортди ҳамда паст ДД ва АД ли намуналардан олинган нанотолаларга нисбатан кам миқдорда нуқсонлар бўлиши ва нисбатан бир жинсли толалар ҳосил бўлишини кўрсатди. НТ нинг ўртача диаметри 1 ва 1,33 кВ/см бўлганда ХЗ-1(ДД=71%) учун 201 нм ва 174 нм, ХЗ-3 (ДД=79%) намунаси учун 229 нм ва 218 нм бўлиши аниқланди.

6. Хитозан НТ сини 2М Na_2CO_3 эритмаси ёрдамида стабиллаш унинг турғунлигини сезиларли ошириши ва ўзининг нанотолали тузилишини нейтрал муҳитда 24 соат мобайнида сақлаб туриши кўрсатилди. ХЗ ва КМХЗ лардан олинган нотўқима материал намуналарининг сув буғига нисбатан сорбцион хусусиятлари 20 дан 58% гача бўлиши аниқланди. Бу уларнинг намлик ютиш қобилиятлари юқорилигидан далолат беради. ХЗ нанотоласига нисбатан КМХЗ нанотоласининг сорбцион сиғими бирмунча катталиги КМХЗ нинг юқори гидрофиллигини билдиради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САТТАРОВА ДИЛФУЗА МАКСУДОВНА

**ПОЛУЧЕНИЕ НАНОВОЛОКОН НА ОСНОВЕ ХИТОЗАНА
БОМБУХ МОРИ И ЕГО ПРОИЗВОДНЫХ МЕТОДОМ
ЭЛЕКТРОСПИННИНГА**

**02.00.06 - Высокмолекулярные соединения
02.00.12 - Нанохимия, нанофизика и нанотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/K100.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» (www.ziyo.net.uz).

Научные руководители:

Рашидова Сайёра Шарафовна
доктор химических наук, профессор, академик

Кодирхонов Муродхон Рашидхонович
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Рузимурадов Олим Нарбекович
доктор химических наук, доцент

Милушева Ракия Юнусовна
кандидат химических наук, ведущий научный сотрудник

Ведущая организация:


Ташкентский институт текстильной и лёгкой промышленности


Защита диссертации состоится «23» апреля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7^б. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № 17 (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри 7^б, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан «6» 04 2021 года.
(протокол рассылки № 2 от 26.03 2021 года).




В.О. Кудышкин
Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.х.н., профессор


М.М. Усманова
Ученый секретарь разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.х.н., старший научный сотрудник


А.А. Сарымсаков
Председатель разового научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире повышается спрос на новые биологически безопасные материалы с комплексом уникальных свойств медицинского применения на основе природных и синтетических полимеров. Особое место в этом направлении занимают исследования по получению нановолокон на основе полисахаридов методом электроспиннинга. Применение нановолокон со специальной структурой и свойствами в области тканевой инженерии, клеточной трансплантологии и создания лекарственных средств, а также в создании систем контролируемой доставки лекарственных препаратов имеет отдельное значение.

На сегодняшний день во всем мире ведутся исследования в области получения наноматериалов на основе хитозана и его производных для создания перспективных препаратов для различного применения. В связи с чем является необходимым получение нановолокон хитозана и его производных со специальными свойствами, в частности антимикробные и антибактериальные свойства.

В Республике особое внимание уделяется разработке и внедрению импортозамещающей и экспортоориентированной экологически безопасной продукции на основе местного сырья. В частности, были достигнуты значительные результаты в производстве и применении биodeградируемых препаратов на основе природных полимеров и их производных. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи по «...производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, разработка принципиально новых продуктов и технологий, обеспечивающих тем самым конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках». В связи с этим, большое значение приобретают научно-практические исследования возможности получения, структуры и свойств нановолокон на основе хитозана *Bombyx mori* и его производных, направленные на медицинское применение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности академии наук, организации научно-исследовательских работ, управление и финансирование», № ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям

¹ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

химия и биология» а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира активно развиваются научные работы по исследованию процесса электроспиннинга хитозана и его производных с целью формирования на их основе нановолокон, а также по их применению. Значительное количество публикаций посвящено получению нановолокон хитозана и его производных, а также изучению их свойств. В развитии научного направления по изучению условий получения значительная заслуга принадлежит L. Cremar, N. Sohofi, J. Du, K. Ohkawa, D. Cha и немаловажный вклад внесен также многими другими школами. В области получения и использования нановолокон хитозана с синтетическими полимерами необходимо отметить проводимые научные исследования J. Schiffman, R. Muzzarelli, Ю.Н.Филатов, Н.Р. Прокопчук, А.Т. Матвеев и др.

В нашей республике академик С.Ш. Рашидова и ее ученики внесли свой весомый вклад своими исследованиями по получению и определению свойств наночастиц хитозана и его производных, а также их внедрение на практике.

До настоящей работы в литературе имеются мало исследований по получению нановолокон хитозана *Bombyx mori* и его производных методом электроспиннинга, параметров влияния процесса на структуру нановолокон, а также взаимосвязь молекулярно-массовых характеристик полимеров и морфологии нановолокон на их основе. На сегодняшний день в медицине повышается спрос на материалы на основе нановолокон, в связи с тем, что размеры их пор сходны с размерами белков и бактерий способствуют размножению клеток и быстрому заживлению раны. В связи с чем, появляется необходимость выполнения теоретически-практических исследований в этом направлении и создание наноматериалов на основе хитозана и его производных с высокой биологической активностью.

